

Ўқитиладиган фанлар

Бакалаврият босқичида

| № | Фаннинг номи | Фан ҳақида қисқача маълумот |
|---|--|--|
| 1 | <i>Материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси</i> | Фаннинг асосий вазифаси металл ва қотишмаларнинг олинишини, тузилишини, хоссаларини, маркаланишини термик ва кимёвий-термик ишлов бериш асосларини қўйма олиш босим билан ишлов беришни; материалларни пайвандлаш асосларини, кесиш асбобларини; металл кесиш дастгоҳларини ўргатишдан иборатдир. |
| 2 | <i>Машина ва механизмлар назарияси</i> | Машиналар ва механизмларининг тузилишини белгиловчи қоидалар, кинематик ва динамик параметрларларнинг уларнинг ҳаракатига ўзаро таъсирини ўрганиш асосида талаб қилинган хоссаларга эга бўлган механизмларни синтез қилиш усуллари билан таништиришдир. |
| 3 | <i>Машина деталлари ва лойиҳалаш асослари</i> | Машина деталларнинг вазифаси, турлари, конструкцияси ва қўлланиш соҳалари, ҳамда уларнинг асосий параметрларини ишлаш ишончлилиги ва лаёқати мезонлари асосида ҳисоблаш ва лойиҳалаш бўйича назарий ва амалий билимларни беради. |
| 4 | <i>Кўтариш- ташиш машиналари.</i> | Сув ва қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган кўтариш-ташиш машиналари вазифалари, конструкцияси, ишлаш принциплари, қўлланиш соҳалари ва ишдан чиқиш сабабларини ўрганиш ҳамда уларнинг асосий параметрларини мустақкамлик меъзони асосида ҳисоблаш ва лойиҳалаш бўйича назарий ва амалий билимларни беради. |

- 5 *Ўзароалмашувчанлик, стандартлаштириш ва техник ўлчовлар*
- Фаннинг асосий мақсади ва вазифаси келажак бакалаврларга ўзароалмашувчанликнинг асосларини, машина ва механизм деталларининг ўлчамларини, ишлаб чиқаришда жоизлик ва ўтқазиларни тўғри танлашни ва белгилашни, жоизлик ва ўтқазиларнинг ягона тизимини, бирикмалар учун стандарт ўтқазиларни ҳисоблашни ва танлашни ўргатишдан иборатдир.
- 6 *Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаш.*
- Фаннинг асосий мақсади ва вазифаси келажак бакалаврларга стандартлаштиришнинг халқ хўжалигида тутган ўрнини аниқлаш, стандартлаштириш назарияси асосларини ўзлаштириш, стандартлаштириш объектларини аниқлаш, турли стандартлар билан танишиш ва ишлаш, сифатни бошқариш, талаб ва қоидаларига амал қилишни ўрганишдан иборатдир.
- Қурилиш материаллари ва металллар технологияси. (фаннинг материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси бўлимлари бўйича)*
- Фаннинг асосий вазифаси металл ва қотишмаларнинг олинишини, тузилишини, хоссаларини, маркаланишини термик ва кимёвий-термик ишлов бериш асосларини қўйма олиш босим билан ишлов беришни; материалларни пайвандлаш асосларини, кесиш асбобларини; металл кесиш дастгоҳларини ўргатишдан иборатдир.
- Назарий ва амалий механика. (фаннинг механизм ва машиналар назарияси, ҳамда машина деталлари бўлимлари бўйича)*
- Машиналар ва механизмларининг тузилишини белгиловчи қоидалар, кинематик ва динамик параметрларларнинг уларнинг харакатига ўзаро таъсирини ўрганиш асосида талаб қилинган хоссаларга эга бўлган механизмларни синтез қилиш усуллари билан таништириш, машина деталларнинг вазифаси, турлари, конструкцияси ва қўлланиш соҳалари, ҳамда уларнинг асосий параметрларини ишлаш ишончилиги ва лаёқати мезонлари асосида ҳисоблаш ва лойиҳалаш бўйича назарий ва амалий билимларни беради.

CAD-CAM-CAE лойихалаш асослари

Фанининг асосий вазифаси муҳандислик графикасини 3D дастурларда ўргатиш бўлиб, бунда модел ва деталларни чизмасини чизиш, 3D моделларини яратиш, таҳлил қилиш, синтез қилиш ва тестдан ўтказиш каби билимларни талабаларда малака ва кўникмасини ҳосил қилишдир..

Инженерли дизайни

Фанининг асосий мақсадларидан бири ҳозирги даврда техник чизмаларни бажариш, лойихалаш ва конструкторлик ҳужжатларини бажаришда 3D лойихалаш дастурларининг имкониятларини ўргатиш ва талабаларга билим бериш, малака ва кўникмасини ҳосил қилишдир.

Чизмаларга тааллуқли давлат стандартларини мукамал ўрганиш, рақамли чизма маълумотларини айирбошлаш, дастурда назарда тутилган 3D кўринишидаги деталларнинг анализи амалга оширилади.

Магистратура босқичида

- 1 *Патентшунослик, сертификатлаштириш ва лицензиялаш*

“Патентшунослик, сертификатлаштириш ва лицензиялаш” фанини ўқитишдан мақсад шундан иборатки, бўлажак мутахассислар патент ахборотининг ҳозирги оқимини таҳлил қилиш, яратилаётган илмий ишланмалар, конструкторлик ечимлари, технологияларни интеллектуал мулк объектлари сифатида ҳуқуқий муҳофазалаш бўйича амалий билимларни беришдан иборат.

CAD-CAM-CAE лойихалаш асослари

Фанининг асосий вазифаси муҳандислик графикасини 3D дастурларда ўргатиш бўлиб, бунда модел ва деталларни чизмасини чизиш, 3D моделларини яратиш, таҳлил қилиш, синтез қилиш ва тестдан ўтказиш каби билимларни талабаларда малака ва кўникмасини ҳосил қилишдир..